

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

12-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

№ 12 (4) - 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

TOSHKENT-2024

BOSH MUHARRIR:

Isanova Feruza Tulqinovna

TAHRIR HAY'ATI:

07.00.00-TARIX FANLARI:

Yuldashev Anvar Ergashevich – tarix fanlari doktori, siyosiy fanlar nomzodi, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Mavlanov Uktam Maxmasabirovich – tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Xazratkulov Abror – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.

Tursunov Ravshan Normuratovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Xolikulov Axmadjon Boymahammadovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Gabrielyan Sofya Ivanovna – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Milliy Universiteti.

Saidov Sarvar Atabullo o'g'li – katta ilmiy hodim, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy tadqiqotlar bo'limi.

08.00.00-IQTISODIYOT FANLARI:

Karlibayeva Raya Xojabayevna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Nasirxodjayeva Dilafuz Sabitxanovna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent moliya instituti;

Arabov Nurali Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Azizov Sherzod O'ktamovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Bojxona instituti;

Xojayev Azizxon Saidaloxonovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Farg'ona politexnika instituti

Xolov Aktam Xatamovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Shadiyeva Dildora Xamidovna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b, Toshkent moliya instituti;

Shakarov Qulmat Ashirovich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

09.00.00-FALSAFA FANLARI:

Hakimov Nazar Hakimovich – falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Yaxshilikov Jo'raboy – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

G'aybullayev Otabek Muhammadiyevich – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Saidova Kamola Uskanbayevna – falsafa fanlari doktori, "Tashkent International University of Education" xalqaro universiteti;

Hoshimxonov Mo'min – falsafa fanlari doktori, dotsent, Jizzax pedagogika instituti;

O'roqova Oysuluv Jamoliddinovna – falsafa fanlari doktori, dotsent, Andijon davlat tibbiyot instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasini mudiri;

Nosirxodjayeva Gulnora Abdukaxxarovna – falsafa fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Turdiyev Bexruz Sobirovich – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Buxoro davlat universiteti.

10.00.00-FILOLOGIYA FANLARI:

Axmedov Oybek Saporbayevich – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ko'chimov Shuxrat Norqizilovich – filologiya fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hasanov Shavkat Ahadovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Baxronova Dilrabo Keldiyorovna – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Mirsanov G'aybullo Qulmurodovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Salaxutdinova Musharraf Isamutdinovna – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Samarqand davlat universiteti;

Kuchkarov Raxman Urmanovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent v/b, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yunusov Mansur Abdullayevich – filologiya fanlari nomzodi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Saidov Ulugbek Aripovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi.

12.00.00-YURIDIK FANLAR:

Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Esanova Zamira Normurotovna – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yurist, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hamroqulov Bahodir Mamasharifovich – yuridik fanlar doktori, professor v.b., Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti;

Zulfiqorov Sherzod Xurramovich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti;

Xayitov Xushvaqt Saparbayevich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Asadov Shavkat G'aybullayevich – yuridik fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Ergashev Ikrom Abdurasulovich – yuridik fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Utemuratov Maxmut Ajimuratovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Saydullayev Shaxzod Alixanovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hakimov Komil Baxtiyarovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yusupov Sardorbek Baxodirovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Amirov Zafar Aktamovich – yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), O'zbekiston Respublikasi

Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi;

Jo'rayev Sherzod Yuldashevich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Babadjanov Atabek Davronbekovich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Rahmatov Elyor Jumaboyevich - yuridik fanlar nomzodi, Toshkent davlat yuridik universiteti;

13.00.00-PEDAGOGIKA FANLARI:

Xashimova Dildarxon Urinboyevna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Ibragimova Gulnora Xavazmatovna – pyedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Zakirova Feruza Maxmudovna – pedagogika fanlari doktori, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi;

Kayumova Nasiba Ashurovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Qarshi davlat universiteti;

Taylanova Shoxida Zayniyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent;

Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ibraximov Sanjar Urunbayevich – pedagogika fanlari doktori, Iqtisodiyot va pedagogika universiteti;

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti;

Bobomurotova Latofat Elmurodovna - pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti.

19.00.00-PSIXOLOGIYA FANLARI:

Karimova Vasila Mamanosirovna – psixologiya fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Hayitov Oybek Eshboyevich – Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti, psixologiya fanlari doktori, professor

Umarova Navbahor Shokirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Amaliy psixologiyasi kafedrasini mudiri;

Atabayeva Nargis Batirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Shamshetova Anjim Karamaddinovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Qodirov Obid Safarovich – psixologiya fanlari doktori (PhD), Samarkand viloyat IIB Tibbiyot bo‘limi psixologik xizmat boshlig‘i.

22.00.00-SOTSILOGIYA FANLARI:

Latipova Nodira Muxtarjanovna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri;

Seitov Azamat Po‘latovich – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston milliy universiteti;

Sodiqova Shohida Marxaboyevna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi.

23.00.00-SIYOSIY FANLAR

Nazarov Nasriddin Ataqulovich –siyosiy fanlar doktori, falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent arxitektura qurilish instituti;

Bo‘tayeov Usmonjon Xayrullayevich –siyosiy fanlar doktori, dotsent, O‘zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri.

OAK Ro‘yxati

Mazkur jurnal Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022-yil 30-noyabrdagi 327/5-son qarori bilan tarix, iqtisodiyot, falsafa, filologiya, yuridik va pedagogika fanlari bo‘yicha ilmiy darajalar bo‘yicha dissertatsiyalar asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari” elektron jurnali 2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli guvohnoma bilan davlat ro‘yxatiga olingan.

Muassis: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” mas’uliyati cheklangan jamiyati

Tahririyat manzili:

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog‘och ko‘chasi, 70/10-uy. Elektron manzil: scienceproblems.uz@gmail.com

Bog‘lanish uchun telefonlar:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

Turg'unov Sherzod Abduvositovich

FARG'ONA VILOYATI SANOAT KORXONALARINING MODDIY-TEXNIK HOLATI VA ULARNING SANOAT ISHCHILARINING MEHNAT MUHOFAZASIDAGI AHAMIYATI HAQIDA AYRIM FIKR MULOHAZALAR (Farg'ona viloyatida 1950-1970-yillarda chop etilgan vaqtli matbuot nashrlarida e'lon qilingan maqolalar tahlili asosida) 13-19

Qalandarov Hamza Hamroqul o'g'li

SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN ATEISTIK SIYOSATI VA XUDOSIZLAR JAMIYATI FAOLIYATI 20-23

Berdiyev Abduvali Abdug'aniyevich

XVIII-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGINING ERON VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IJTIMOYIY ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR 24-32

Соъуб Раъноев

KAMBAFALLIK VA UNI QISQARTIRISH MUAMMOLARI 33-42

Abdimov O'zbek Bektemirovich

MARKAZIY OSIYO MINTAQASIGA ILMIY QARASHLAR VA KONSEPTUAL MASALALARNING AYRIM JIHATLARI 43-48

Toshpulatov Nurbek Boboqul o'g'li

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATI BOZORLARI VA KARVONSAROYLARI TARIXI 49-53

Temirova Munira

ESKI TERMIZ SIMOVKO'ZACHALARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR 54-58

Sattorova Shahlo

SHAYBONIYLAR DAVRIDA JO'YBOR XO'JALARINING BUNYODKORLIK FAOLIYATI 59-63

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Yazdonova Saxiba Kurbanovna

KIBERMAKON: TA'LIM, TARBIYA VA IQTISODIY TA'SIR TENDENSIYALARI 64-72

Taniev Ahmadjon Bahromovich

TUURIZM, GLOBALLASHUV VA SAVDO: ULARNING ATROF-MUHOITGA TA'BIIRI 73-82

Xodjaniyozov Elbek Sardorovich

XORAZM VILOYATIDA TUURIZM TRANSPORTI XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISH OMIILLARI TAHLILI 83-93

Raximov Bahromjon Ibroximovich, Ibrohimova Maqsuda Muhammadjon qizi

O'ZBEK SANOATINING INNOVATSION TARAQQIYOTI VA IQTISODIY O'SISHDAGI ROLI 94-99

Ahmedov Adham Djalolovich

AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASHDA FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARI FAOLIYATINI SAMARALI TASHKIL ETISH 100-105

Ablazov Nurillo Xusanboyevich

QURILISH KORXONALARI DEBITORLIK VA KREDITORLIK QARZLARINI HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH 106-112

<i>Абдурахманов Мухторали</i> ЎУДУДИЙ КЛАСТЕРНИ ШАКЛЛАТИРИШ БОСҚИЧЛАРНИ РИВОЖЛАТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	113-116
<i>Poshokulova Mohigul</i> BILIMLAR IQTISODIYOTINING ZAMONAVIY SHAKLLARI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA	117-122
<i>Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li</i> INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH ORQALI KORXONANING IQTISODIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH: YANGI IMKONIYATLAR VA TAHIDLAR	123-131
<i>Sayfutdinova Nigina Furkatovna</i> O'ZBEKISTONDA INNOVATSIYALARNI RIVOJLANTIRISH ASOSIY AHAMIYATLARI	132-135
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Shakarov Oybek Xudoyberdi o'g'li</i> O'ZBEK XALQI ETOSFERASIDA KORRUPTION MUNOSABATLAR PAYDO BO'LISH SABABLARINING FALSAFIY TAHLILI	136-139
<i>Жўрамуродов Нодир Ғайбуллаевич</i> ЖАДИДЛАР ФАЛСАФАСИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАРАШЛАРИНИГ ШАКЛЛАНИШИ	140-144
<i>Sayidova Muhabbat G'afforovna</i> GLOBAL AXBOROTLASHUV TENDENSIYALARINING MILLIY VA MA'NAVIY QADRIYATLARGA TA'SIRI	145-149
<i>Kuraxmedov Azamat Erkinovich</i> SAMARQAND JADIDCHILARINING TURKISTON MA'RIFATPARVARLIK FALSAFASI RIVOJIDA TUTGAN O'RNI	150-153
<i>Umarova Feruza Rozibayevna</i> O'ZBEK XALQI MA'NAVIY MADANIYATI RIVOJLANISHINING ASOSIY XUSUSIYATLARI	154-156
<i>Samijonov Azizbek Ismoiljon o'g'li</i> KIBERXAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING FALSAFIY-KONSEPTUAL TAHLILI	157-161
<i>Begbudieva Parvina Shoxruxovna</i> THE CONTRIBUTION OF MAHMUDHODJA BEHBUDI TO THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF EDUCATION SYSTEM OF TURKESTAN	162-166
<i>Aytbayev Mansurbek Yusupovich</i> MAHMUD AZ-ZAMAXSHARIY AQL-ZAKOVAT TO'G'RISIDA	167-173
<i>Muslimov Sherzod Akbarovich</i> ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MA'NAVIY MEROSI: JAMIYAT, SIYOSAT VA SHE'RIYAT	174-178
<i>Jantayev Maqsud Ibragimovich</i> MUHAMMAD AL-XORAZMIY: MATEMATIKADAN FALSAFAGACHA BO'LGAN ILMIY IZLANISHLAR	179-184
<i>Norova Malika Fayzulloyevna</i> TASAVVUF TA'LIMOTI VA UNING SAYFIDDIN BOXARZIY DUNYOQARASHIGA TA'SIRI	185-191

<i>Gulova Anorgul Axtamovna</i> O'ZBEKISTONDA ALISHER NAVOIY ASARLARIGA BO'LGAN MUNOSABAT	192-196
<i>Absattorov Baxtiyor Mamarasulovich, Karimova Gulchehra Abdulkarimovna</i> BURCH VA MAS'ULIYAT TUSHUNCHALARINING TARIXIY-NAZARIY, AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY TALQINI	197-205
<i>Berdikulov Chingiz Dusmuradovich</i> IJTIMOIY MULOQOT-SHAXS INTELLEKTUAL MADANIYATINING SHAKLLANISH OMILI	206-211
<i>Mamarasulov Baxriddin Shakasimovich</i> MILLIY-MA'NAVIY YUKSALISH – MAMLAKATIMIZ MA'NAVIY TARBIYA TIZIMINING YANGI STRATEGIYASI SIFATIDA	212-216
<i>Nurmatov Kamaridin Shamsiyevich</i> JAMIYAT TARAQQIYOTIDA ADOLAT TUSHUNCHASINING O'RNI	217-221
<i>Bekpo'latov Ulug'bek Rahmatulla o'g'li</i> JAMIYAT TARAQQIYOTIDA SIMMETRIYA VA ASIMMETRIYA BIRLIGINI TA'MINLASHNING DIALEKTIK TAHLILI	222-228
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
<i>Berdiyeva Muqarrama Anvarovna, Chernova Natalya Vasильevna</i> СТРАТЕГИИ ЛИНГВОМЕТОДИЧЕСКОГО ПОДХОДА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ	229-234
<i>Жамаҳматов Каромиддин Айнилло ўғли</i> БУРҲОНИДДИН ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРГА ТАЪСИРИ	235-243
<i>Temirova Aziza Muzaffarovna, Uralova Oysuluv Poyan qizi</i> ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA “KO'K” SIFAT BELGISINING SEMANTIKA XUSUSIYATLARINING TADQIQI	244-247
<i>Mansurova Mohinur Akmal qizi</i> HAJVIY TAFAKKUR TABIATI – SATIRA VA YUMOR TUSHUNCHASI	248-252
<i>Яркулова Фотима Усмановна, Исломова Марьям</i> ИМЕННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ В ПОВЕСТЯХ И.С.ТУРГЕНОВА	253-257
<i>Murodova Muqadas Ikromovna</i> XX ASR INGLIZ VA O'ZBEK ADABIYOTIDA YARATILGAN SATIRIK ASARLAR TADQIQI	258-263
<i>Ruzmatova Gulnara Kulmamatovna</i> O'ZBEK ADABIYOTIDA LATIFA JANRI TARAQQIYOTI VA TAHLILI	264-268
<i>Davronov Shekroz Abrorovich</i> OG'ZAKI TARJIMA VA UNDA KOMPRESSIYANING ROLI	269-273
<i>Begmatov Azizbek Tursunbayevich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI ONOMASTIK BIRLIKLAR TADQIQI	274-280
<i>Ibragimova Moxiraxon Anvarovna</i> NUTQIY AKTLAR TASNIFI	281-285
<i>Расулова Истода Абдулатифовна</i> К ПРОБЛЕМЕ ДЕФИНИЦИИ ЯЗЫКОВЫХ УНИВЕРСАЛИЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ ИНВАРИАНТНЫХ СВОЙСТВ В КОНТЕКСТЕ ЯЗЫКОВОЙ ВАРИАТИВНОСТИ	286-293

<i>Obidova Go'zalxon Ma'rufjon qizi</i> O'ZBEK TILIDA OMAD VA OMADSIZLIKNI NOMLOVCHI LEKSIK VA FRAZEOLGIK BIRLIKLAR	294-299
<i>Furkatova Maxliyo To'lqin qizi</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI SHAXS-SON KATEGORIYASI	300-309
<i>Baxramov Xabibillo Sadikovich</i> INGLIZ TILIDA "POISON-ZAHAR" KONSEPTINING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	310-315
<i>Тухтаев Сирожиддин Тошпўлатович</i> ПАРЕМИОЛОГИЯДА САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	316-323
<i>Qiyomov Shohabbosxon Sharofiddin o'g'li</i> XATTOTLIK SAN'ATINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI	324-327
<i>Sobirjonova Muxlisa Sobirjonovna</i> YOLG'IZLIK FENOMENINING PSIXOLOGIK, IJTIMOY VA EKZISTENSIAL ASPEKTLARI	328-331
<i>Qayumova Mohinur Murodullayevna</i> LEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT «STEP» IN THE ENGLISH LANGUAGE	332-337
<i>Sayipova Dilafruz Rahimovna</i> O'ZBEK NASRI TARAQQIYOTIDA "BOBURNOMA"NING AHAMIYATI	338-342
<i>Diyarov Akmal To'lqin o'g'li</i> INGLIZ TILIDAGI BOG'DORCHILIK TERMINLARINING GENETIK-ETIMOLOGIK TAVSIFI	343-348
<i>Атаназарова Шохида Бахрамовна</i> РЕКЛАМАДА ИЛЛОКУЦИЯ ВА ПЕРЛОКУЦИЯНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА БИЛБОРДЛАРНИ АҲАМИЯТИ (РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ МИСОЛИДА)	349-353
<i>Matadqulova Kamila Abduxoliqovna</i> ANCIENT EGYPTIAN LITERATURE: THE OLD, MIDDLE AND NEW KINGDOMS	354-364
<i>Alimova Dilrabo</i> SHARQ ADABIYOTIDA QASIDANING TARIXIY TAKOMILI	365-373
<i>Abduqaxxorova Nargiza Rustamovna</i> RUS VA O'ZBEK TILLARIDAGI TOPISHMOQLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI	374-379
<i>Курбонова Нодира Розиковна, Пулатова Сабина Шарифовна</i> ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ ТЕМЫ УТРАЧЕННОЙ РОДИНЫ В РОМАНЕ ВЛАДИМИРА НАБОКОВА «МАШЕНЬКА»	380-390
<i>Khamidov Tohirjon Olmos ogli</i> ANALYSIS OF TYPES OF ENGLISH PHRASAL VERBS ACCORDING TO THE STRUCTURE	391-396
<i>Umurzakova Kommuna Xursanovna</i> O'ZBEKISTON IJTIMOY TARMOQLARIDA YOSHLAR NUTQIDAGI O'ZGARISHNING TA'LIM JARAYONIGA TA'SIRI	397-402
<i>Habibullayeva Shoirra Shukurillayevna</i> ONA TILI DARSIDA GAP BO'LAKLARI VA ULARNI TAHLIL QILISH METODIKASI	403-406

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Itomov Nurillo Fayzullayevich</i> ТА’МИНЛОВЧИ ТО’ЛОВ – МАЖБУРИЯТЛАРНИ ТА’МИНЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ СИФАТИДА	407-414
<i>Салаев Нодирбек Сапарбаевич</i> ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	415-431
<i>Ходжиев Юнус Мухитдинович</i> МУЛК ҲУҚУҚИ БЕКОР БЎЛИШИНИНГ ШАХС ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ	432-436
<i>Сайдивалиева Хуршида</i> БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА БЕРИШ ЮЗАСИДАН ВУЖУДГА КЕЛУВЧИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ	437-445
<i>Миқитов Вобур</i> THE LEGAL NATURE OF E-COMMERCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	446-451
<i>Raimova Nargiza Doroyevna, To‘uchiyeva Bahora Otabekovna</i> PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS	452-459
<i>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	460-468
<i>Toshkanov Nurbek Bahriddinovich</i> UNDIRUVNI INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA BO‘LGAN HUQUQLARGA QARATISHNING AYRIM FUQAROLIK-HUQUQIY MASALALARI	469-478
<i>Kubaeva Ismigul Farhod qizi</i> CHALLENGES OF BLOCKCHAIN TO LAW AND STATE	479-484
<i>Юсупов Ўктамбой Абсаматович</i> ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	485-491
<i>Баходирова Сабина Улугбек кизи</i> РОЛЬ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ УМЫШЛЕННОГО ТЯЖКОГО ТЕЛЕСНОГО ПОВРЕЖДЕНИЯ	492-503
<i>Эгамбердиев Ферузбек Аскаржон угли</i> НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТИТУТА ХОДАТАЙСТВ КАК СПОСОБ ЗАЩИТЫ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НА ДОСУДЕБНОМ ЭТАПЕ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	504-508
<i>Ibrohimov Behzodbek Bahromjon o‘g‘li</i> O‘ZBEKISTONDA MOLIVAVIY HUQUQIY MUNOSABATLAR ASOSI VA AHAMIYATI	509-520
<i>To‘uchiyeva Bahora Otabekovna, Raimova Nargiza Doroyevna</i> PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS	521-528

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Ibraximov Sanjar Urunbayevich</i> SPORT MASHG'ULOT JARAYONINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO'LLARI VA TAMOYILLARI	529-539
<i>Urazkulova Anna Vitalyevna</i> OLIV TA'LIMDA RUS TILI FANINI O'QITISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING TOPSHIRIQLARINI ILMIY-PEDAGOGIK AHAMIYATI	540-545
<i>Қаршиева Дилбар Эшпулатовна</i> ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ	546-550
<i>Ajiyeva Muxabbat Baxtibayevna</i> KIMYO FANI BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI FANLARARO INTEGRATSIYA ASOSIDA TASHKIL ETISH	551-555
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> O'QITUVCHILARNI KASBIY RIVOJLANTIRISHDA QIYOSIY TAHLIL: JARAYON VA FAOLIYATLI YONDASHUV	556-564
<i>Radjabova Gulnoza Giyosiddinovna</i> SHIFTING THE FOCUS OF CORPUS LINGUISTICS FROM RESEARCH TO CLASSROOM PRACTICE	565-570
<i>Акрамова Умеда Салиевна</i> ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИКТ ДЛЯ УЧАЩИХСЯ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОВЫМ ФОНОМ	571-582
<i>Abdusattarova Zaynab Abdujalil qizi</i> МАТЕМАТИКА FANINI LOYIHAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYASI ORQALI O'QITISH ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA XXI ASR KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI	583-590
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i> SHAHMAT O'YINI ORQALI BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI	591-595
<i>To'xtayev Hasan Toshpo'latovich</i> ZAMONAVIY MAKTAB O'QUVCHILARINI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA KOGNITIV- PSIXOLOGIK TO'SIQLARNING TA'SIRI	596-599
<i>Yaqubov Fazliddin Muxitdinovich</i> JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARI KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING MEKANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH	600-607
<i>Rahimova Dilshoda Baxriddinovna, Turatosheva Sadoqat Raxmatullayevna</i> OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH (SOTSIOLOGIK TAHLIL)	608-615
<i>Мадаминова Наргизахон Жахонгир қизи</i> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МОСЛАШТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ	616-619
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA TEXNIKA OLIV TA'LIM SOHASI MUTAXASSISLARDA KASBIY-IJODIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI	620-526

<i>Aliyeva Iroda Otabek qizi</i> МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМГА ХОРИЙ ТАЖРИБАСИНИ ҚО'ЛЛАШ БО'ҲИЧА МАВЖУД ТА'ЛИМ ТАЛАБЛАРИНИНГ ТАСНИФИ YUZASIDAN ТАҲЛІЛЛАР	627-631
<i>Ro'zimurodov Ilyos Azamat o'g'li</i> O'RTA ASRLAR MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARINING CHOLG'USHUNOSLIKKA OID NAZARIYALARI: ABU NASR FOROBIYNING MUSIQIY TADQIQOTLARI	632-636
<i>Yaxshiboyeva Shahnoza Bahodir qizi</i> JAHON AXBOROT RESURSLARI ORQALI TALABALARNING TADQIQOTCHILIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK ASOSLARI	637-642
<i>Салиев Улугбек, Салиева Низора</i> ОБЩЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО РАБОТНИКА: РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ В ПРАКТИКЕ	643-648
<i>Маматкулова Угилжон Эшмирза кизи, Абдуллаева Дилбар Алимбаевна</i> МЕТОДИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИОННАЯ ПЛАТФОРМА ДЛЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА, ИЗУЧАЮЩИХ АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК, И ПУТИ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ	649-655
<i>Муминова Офтобхон Каримовна</i> ИСТОРИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНЕ: ОТ АНТИЧНОСТИ ДО СОВРЕМЕННЫХ ТЕРМИНОВ	656-661
<i>Ахмедова Уктамхон</i> РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАНЯТИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ	662-667
<i>Sattarova Markhabo Raxmonkulovna</i> ТА'ЛИМДА RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH	668-672
<i>Nuriddinova Robiya Bekjonaliyevna</i> МАКТАБГАЧА VA BOSHLANG'ICH TA'ЛИМДА МАТЕМАТИКА MASHG'ULOTLARINING UZVIYLIGINI TA'MINLASH YO'NALISHLARI	673-678

Received: 30 November 2024

Accepted: 5 December 2024

Published: 15 December 2024

Article / Original Paper

STUDY OF THE CONCEPT OF GENEROUSNESS IN PAREMIOLOGY

Tukhtaev Sirojiddin Toshpulatovich

Deputy Dean for Academic Affairs,

Faculty of Foreign Philology,

National University of Uzbekistan named after M. Ulugbek

Abstract. The article is devoted to the linguocultural analysis of Russian and Uzbek proverbs expressing the concept of generosity. The study of paremiological units of the Russian language about generosity against the background of the Uzbek language allows us to present the linguocultural characteristics of the studied units, as well as to identify the similarities and differences of national ideas about morality in the Russian and Uzbek languages. The article is aimed at describing, analyzing and systematizing Russian and Uzbek proverbs that reflect the moral values of speakers of the Russian and Uzbek languages.

Keywords: concept, generosity, proverb, axiology, linguistics, paremiology, nobility, altruism.

ПАРЕМИОЛОГИЯДА САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Тухтаев Сирожиддин Тошпўлатович

М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

хорижий филология факультети ўқув ишлари

бўйича декан ўринбосари

Аннотация. Мақола сахийлик қонцептини ифодаловчи рус ва ўзбек мақолларининг лингвомаданий таҳлилига бағишланган. Рус тилининг сахийлик ҳақидаги паремияларнинг бирликларини ўзбек тили фониди ўрганиш ўрганилаётган бирликларнинг лингвомаданий хусусиятларини тақдим этиш имконини беради, шунингдек, рус ва ўзбек тилларида ахлоқ ҳақидаги миллий ғояларнинг ўхшашлиги ва фарқларини аниқлашга имкон беради. Мақола рус ва ўзбек тилларида сўзлашувчиларнинг ахлоқий қадриятларини кўрсатадиган рус ва ўзбек мақолларини тавсифлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштиришга қаратилган.

Калит сўзлар: концепт, сахийлик, мақол, аксиология, тилшунослик, паремиялогия, олийжаноблик, альтруизм.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I12Y2024N49>

Кириш. Сахийлик қонцептининг турли лингвомаданиятларда воқеланиш хусусиятларини, унинг миллий ва умумбашарий қадрият сифатидаги ўрнини аниқлаш мақсадида замонавий тилшуносликда муайян тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу мақолада паремиялог олимларнинг рус, литва, араб, хитой, француз ва қозоқ каби турли маданиятларидаги сахийлик ҳақидаги паремиялар асосида ўтказган илмий ишларига таянган ҳолда қонцептнинг лингвомаданий хусусиятлари таҳлил қилинади. Хусусан, В.И. Карасик, Н.Г. Голембовская, О.Е. Карачина ва бошқа муаллифларнинг асарларида сахийликнинг фольклор, адабиёт ва миллий дунёқарашда қай тарзда ифода этилгани

ўрганилиб, унинг турли маданиятларда қандай аксиологик хусусиятлар касб этиши ёритилади.

Батафсил изоҳлайдиган бўлсак, В.И. Карасик томонидан “сахийлик” концепти рус маданиятида асосий ахлоқий фазилат сифатида тан олиниши ва халқнинг муҳим миллий хусусиятлари – кенг қалблилик, олийжаноблик, беғараз бахшиш ва альтруизмни ифода этиши эътироф қилинган. Тилшунос-олим таъкидлаганидек, рус онгида сахийлик ҳиссий очиқлик билан чамбарчас боғланган, ва бу тушунча фольклор ҳамда адабиётда ҳам ёрқин акс этган. Шу билан бирга, сахийлик бахиллик билан қарама-қарши қўйилиб, ортиқча сарф-харажатлар миқдорида чегараланган ҳолда тавсифланади [9, б. 15].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. В.И. Карасикнинг асосий ғояларидан бири шундаки, сахийлик аксиологик кўрсатмаларда алоҳида ўрин эгаллаб, альтруистик хулқ-атворни ижобий баҳолашга сабаб бўлади ва тежамкорлик билан узвий боғланади. Олим таклиф қилган қиймат моделида сахийлик ва бахиллик бинарли оппозицияни ташкил этар экан, унда ресурслардан оқилона фойдаланишни англатувчи “олтин меъёр” сақланади. Градуал шкалада меъёрий чегарага риоя этиш ҳаддан ташқари сахийликни исрофгарчилик деб баҳолашни, унинг етишмаслиги эса бахилликка айланишини кўрсатади. Бу ҳолат бир қатор фольклор ифодалари ва мақолларда ҳам ўз аксини топган, жумладан, “Не проси у богатого, проси у тороватого” (*Бойдан сўрама, сахийдан сўра*) [9, б. 16-18].

В.И. Карасик, шунингдек, сахийликка оид маданий стереотипларни ҳам таҳлил қилиб, рус тилида “кенг табиат”, “сахий қалб” каби тушунчалар халқ томонидан ижобий талқин қилинишини ва бундай фазилатнинг фақат иқтисодий эмас, балки маънавий қадрият сифатида қабул қилинишини таъкидлайди. Шунга қарамай, тилда ҳаддан ташқари сахийлик учун салбий таърифлар – “расточитель”, “мот” каби атамалар ажратилган бўлиб, улар ўртадаги меъёр ва мувозанатни сақлаш зарурлигини кўрсатадиган маданий қоидаларни тасдиқлайди [9, б. 18].

В.И. Карасикнинг фикрича, умумхалқ тушунчаларидан ташқари, сахийлик меҳр-шафқат, меҳмондўстлик ва хайрия ишлари каби ғоялар билан боғланган маданий сценарий сифатида шаклланган, натижада унинг ахлоқий аҳамияти янада кучайган. Умуман олганда, рус маданиятида сахийлик қалбдан чиққан муҳаббат ва самимийлик ифодаси бўлиб, халқнинг маънавий юксаклиги ва маданий фазилати билан боғлиқдир [9, б. 21-22].

Шундай қилиб, В.И. Карасик сахийлик концепциясини рус халқининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, меҳр-шафқат, тежамкорлик ва альтруизм каби ахлоқий қадриятларни қабул қилишда муҳим маънавий мезон бўла олишини асослаган.

О.А. Турбина ва Т.В. Захарова рус маданиятининг асосий қийматларидан бири сифатида меҳмондўстлик концептини кенг кўламда таҳлил қиладилар. Муаллифлар рус паремияларида меҳмондўстлик сахийлик, меҳр-шафқат ва паноҳ бериш каби ижтимоий фазилатларнинг муҳим таркибий қисми эканлигини қайд этадилар. Масалан, “Ешь, Гришка, не жалея хозяйского добришка” каби ифодаларда рус маданиятида мезбон сахийлигини юқори баҳолаш анъанаси акс этган бўлиб, меҳмонларга нисбатан бахиллик эса қораланади [12, б. 47-48].

Н.Г. Голембовская ўз илмий тадқиқот ишида “бахиллик – сахийлик” антоним жуфтлигини лингвомаданий таҳлил асосида ўрганаркан, ҳар бир сифатга хос маданий ва миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда мазмун ва коннотацияларни ажратади. Унинг тадқиқотига кўра, рус тилида бахиллик иллат сифатида кўрилиб, очкўзлик ва ифослик билан характерланади; бу ҳолат турли мақолларда акс этган: “Скупой платит дважды”, “Сколько собаке ни хватать, а сытой не бывает” [3, б. 176].

Литва маданиятида ҳам рус маданиятига ўхшаш тарзда бахиллик қораланади ва унинг мол-мулкни тўплашга мойиллик, эгоизмга интилиш каби салбий жиҳатлари таъкидланади. Бундай муносабат “Глаза жадины и мешок нищего одной ниткой сшиты” каби ифодада ёрқин акс этган. Бунга қарши ҳолда сахийлик маънавий қадрият сифатида изоҳланиб, ижобий хусусият деб қаралади. Рус тилидаги “Рука дающего не оскудевает” каби мақоллар билан бир қаторда литвача “Потная рука щедра, сухая – скупа” мақоли ҳам халқ маданиятида сахийликка нисбатан ижобий муносабатни акс эттиради [3, б. 177].

Н.Г. Голембовскаянинг тадқиқи асосида шуни айтиш жоизки, рус ва литва мақолларидаги тушунчалар ўртасидаги фарқ миллий тасаввурларда муҳим ўрин тутадиган “бахиллик – сахийлик” антиномиясини намоён этади ва шу орқали ҳар икки маданиятнинг ахлоқий ва маданий қадриятлари ифодаланади.

О.Е. Карачина ўзининг мақоласида рус ва инглиз тилларидаги сахийлик, бахиллик, бойлик ва камбағаллик мавзуларини қамраб оладиган қийматлар тасаввурларини таҳлил қилади. Олима таъкидлаганидек, рус тилида сахийлик маънавий бойликка боғлиқ хислат сифатида тушунилади ва моддий манфаатдан кўра, руҳий фазилатга устувор аҳамият берилади. Бу мазмун “Рука дающего не оскудеет” каби мақолларда ўз аксини топган бўлиб, у беғараз ёрдам ва бошқаларга қўл узатишга тайёрликни англатади [10, б. 82].

Шундай қилиб, О.Е. Карачина маданиятлараро таҳлил орқали сахийликка бўлган умумий ижобий муносабатга қарамай, маданий фарқлар турли акцентлар ва устуворликларни келтириб чиқараётганини намоён этади: рус маданиятида сахийлик маънавий бойлик ва олийжаноблик билан боғланган бўлса, инглиз маданиятида у оқилоналик ва масъулият билан уйғунлаштирилади.

А.С. Губенко ўз мақоласида “сахийлик” концептини рус ва инглиз лингвомаданиятлари ўртасида қиёсий таҳлил қилади. Унинг фикрича, рус маданиятида сахийлик кенг қалб ва меҳмондўстлик каби образлар орқали тасвирланиб, бу фазилат маънавий ва ҳиссий очиқликни ифода этади [4, б. 220]. Шу орқали рус маданиятида сахийлик концепти сарф-харажатларга нисбатан эҳтиёткорликни талаб қилувчи фазилат сифатида қаралади.

Инглиз маданиятида эса сахийлик олийжаноблик ва маънавий устунликни ифода этади. Бу ҳолат “heart of gold” ёки “to give with both hands” каби ибораларда кўзга ташланади. А.С. Губенконинг тадқиқи икки маданиятда ҳам сахийлик концептининг таркиби ва унга бўлган ижобий муносабатни намоён этади, шунингдек, миллий қадриятлар ва ижтимоий қоидаларга асосланган фарқларни ҳам қайд этади [4, б. 221].

Т.В. Захарованинг рус ва француз тилларидаги паремиялар орқали “меҳмондўстлик” концептига бағишланган қиёсий таҳлилида меҳмондўстлик турли маданиятларда умумий қадрият сифатида тан олинган бўлса-да, у ҳар бир

маданиятнинг ўзига хос маданий хусусиятлари билан ифодаланиши кўрсатилган. Т.В. Захарованинг таъкидлашича, меҳмондўстлик концепти жамиятда ижтимоий ресурсларни тақсимлаш ва ижтимоий уйғунликни сақлашнинг қадимий механизми сифатида шаклланган. Бу концепт ахлоқий меъёрлар орқали сакрализацияга эга бўлган ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тартибини белгиловчи қадрият сифатида қаралади [7, б. 10].

Рус маданиятида меҳмондўстлик концепти мезбон ва меҳмон ўртасидаги тенг муносабатларни сақлашга йўналтирилган бўлиб, меҳмон кўпинча “илоҳий совға” ёки тенг ҳуқуқли шерик сифатида қабул қилинади. Француз маданиятида эса меҳмондўстлик кўпроқ асимметрик муносабатларда ифодаланиб, меҳмон кўпроқ ҳимояга муҳтож шахс сифатида тасвирланади. Француз маданиятида меҳмондўстликка салбий ёки ногувор маънолар ҳам юкланган бўлиб, бу ҳолат “hostis” сўзининг семантик ривожланишида ҳам намоён бўлади [7, б. 11-13].

Т.В. Захарова меҳмондўстлик концептини урта асосий компонентга бўлади: ахлоқий фазилат сифатидаги қараш, ижтимоий мажбурият сифатидаги эътироф ва унинг ижтимоий мансублик рамзи сифатидаги ифодаси. Рус паремияларида “меҳмондўстлик” турли маданий реалиялар орқали тасвирланган бўлиб, унда “меҳмон”, “нон-тўз” ва бошқа қадимий урф-одатлар кенг қамровли маънога эга. Француз паремияларида эса меҳмондўстлик дўстлик ва ҳурмат билан боғланиб, хулқнинг эстетик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади [7, б. 11-13].

Шундай қилиб, Т.В. Захарова меҳмондўстлик концептининг универсаллигига қарамай, унинг турли маданиятлардаги ифодаси ва ўзига хос маданий кодлари инсоннинг ижтимоий хулқ-атворини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Р.А. Сафина ўзининг илмий тадқиқотида рус ва немис тилларида иқтисодий муносабатларни ифода этувчи фразеологизмларнинг ўхшашликлари ва фарқларини қиёсий таҳлил қилади. Тилшунос-олима молиявий муносабатлар ҳар икки тилда ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини, бу муносабатлар турли фразеологик бирликлар орқали ифода этилишини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик ва бойлик ҳар икки маданиятда қадрланувчи тушунчалар бўлиб, улар фразеологияда ўз аксини топади [11, б. 15].

Р.А. Сафина шуни таъкидлайдики, рус фразеологик бирликлари кўпроқ шахснинг индивидуал хусусиятларига, унинг шахсий хулқ-атвори ва иқтисодий ҳолатига йўналтирилган бўлса, немис тилидаги фразеологизмларда молиявий муносабатлар формаллаштирилган ва абстракт мазмунда кўпроқ акс этган. Масалан, рус тилида фразеологик бирликлар шахснинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини баҳолашга мўлжалланган бўлиб, унда шахснинг шахсий хусусиятлари ва ижтимоий тартибга мослиги таъкидланади. Немис тилида эса иқтисодий муносабатлар умумий маданий код сифатида кўпроқ мустаҳкамланган [11, б. 35].

Муҳокама. Тадқиқотнинг муҳим жиҳати шундаки, Р.А. Сафина рус ва немис тилларидаги фразеологизмларнинг тўлиқ ва қисман эквивалентлигини, шунингдек, маданий фарқлар туфайли эквиваленти мавжуд бўлмаган бирликларни ҳам аниқлайди. Олима хулосасида немис тилидаги фразеологик бирликлар кўпроқ ўзгарувчан, яъни контекстга боғлиқ бўлиб келади, рус тилида эса фразеологик бирликлар қатъий

шаклланган ва шахснинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ўрнини аниқ ифода этади [11, б. 91].

Л.К. Байрамова ва Р.Д. Юнусованинг “Меҳмондўст инсон: қадриятлар ва хулқ-атвор моделлари (рус ва татар паремиялари асосида)” номли мақоласида рус ва татар паремиялари орқали меҳмондўстликнинг ижтимоий ва ахлоқий институт сифатидаги ўрни таҳлил қилинган. Муаллифлар меҳмондўстликни инсоннинг раддушлиги, сахийлиги ва меҳмонларга нисбатан ҳурматини ифода этувчи асосий қадрият сифатида баҳолайдилар. Улар таъкидлаганидек, рус маданиятида меҳмондўстлик сахийлик ва олийжаноблик билан боғланиб, нон ва туз рамзлари орқали ифодаланади. Татар паремияларида эса меҳмонга нисбатан эҳтиёткорлик ва самимий муносабат алоҳида урғуланади [2, б. 91].

Л.К. Байрамова ва Р.Д. Юнусова меҳмондўстликнинг ҳар икки маданиятда муҳим ижтимоий бурч сифатида эътироф этилишини таъкидлайдилар. Ҳар бир маданиятга хос бўлган меҳмондўстлик қоидалари мавжуд бўлиб, улар маданий фарқларни ҳам ўзида акс эттиради: татар паремиялари исломий ахлоқий меъёрларга мувофиқ келади, рус паремиялари эса ижтимоий эътироф ва ўзаро талабларга асосланган [2, б. 91]. Бу ҳолат рус маданиятида меҳмондўстликнинг икки томонлама талабларга асосланган ижтимоий функция сифатидаги аҳамиятини кўрсатади.

Р.Д. Юнусованинг тадқиқоти меҳмондўстликка оид фразеологизмлар ва паремияларнинг аксиологик хусусиятларини, шунингдек рус ва татар маданиятларидаги маданий-этник фарқларни очиб беради. Олима меҳмондўстлик тушунчаси орқали сахийлик, эҳтиром ва олийжаноблик каби сифатларни ёритади ва меҳмонни кутиб олиш мезбоннинг бурчи сифатида қаралиши маданий хусусиятлардан бири сифатида таъкидланади. “Хлеб-соль – отплатное дело” каби ифодалар меҳмондўстликнинг ўзаро талабларга асосланганлигини изоҳлайди [14, б. 48].

Шу билан бирга, Р.Д. Юнусова рус меҳмондўстлигининг амбивалент табиатини ҳам очиб беради. Бошқача айтганда, рус маданиятида меҳмондўстлик бир вақтнинг ўзида меҳмонга нисбатан ҳам ҳурмат, ҳам эҳтиёткорликка асосланади. Масалан, “Гость на пороге – хозяину радость” ёки “Хорош гость, коли редко приходит” каби иборалар меҳмоннинг икки томонлама ролига ишора қилади. Бу рус меҳмондўстлигидаги ижобий ва салбий бағоларнинг бир вақтда мавжудлигидан далолатдир [14, б. 49].

Татар маданиятида эса меҳмондўстлик концепцияси нисбатан бир меъёрга асосланган. Меҳмон, “килгән” (келган киши) сифатида, ҳар қандай ҳолатда меҳмондўстлик кўрсатилиши лозим бўлган шахс ҳисобланади. Татар маданиятида меҳмонга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ахлоқий қадриятлардан бири сифатида қаралади ва уларнинг юқори этик стандартларга асосланганлиги кўрсатилади [14, б. 49].

Бу борада А.Ш. Жилкубаева таъкидлаганидек, меҳмондўстлик концепцияси, шунингдек, ижтимоий ва маънавий қоида сифатида фразеологизмлар орқали ҳам тасвирланган. Масалан, “Қонақ келса, қут келади” ёки “Қонақ табаққа қарамайди, қабаққа қарайди” каби ифодалар меҳмондўстликни нафақат моддий бойлик, балки меҳмонга ёқимли муносабат рамзи сифатида ифодалайди [6, б. 138].

М.Г. Церцвадзе очкўзлик ва сахийликнинг маданий аҳамияти ва уларнинг қиймат юкламалари ўртасидаги қарама-қаршилиқларни ўрганиб, ушбу тушунчалар ҳар бир

халқнинг анъанавий дунёқарашини ифодалаганлиги ва миллий ахлоқий қадриятларни шакллантиришда муҳим роль ўйнаганлигини қайд этади. Рус ва қозоқ мақоллари халқнинг маънавий дунёсини акс эттириб, улар жаддият ва сахийликни ижтимоий ва ахлоқий қийматлар нуқтаи назаридан баҳолайди [13, б. 31].

Рус тилида “очкўзлик” концепти бир неча маъновий сояларга эга бўлиб, кўп ҳолларда у ортиқча бойликка интилувчи шахснинг иллоти сифатида қабул қилинади. Очкўзлик ахлоқий нуқтаи назардан, нафсига етарли даражада тўймайдиган одамни тасвирлайди. Қозоқ маданиятида ҳам бу тушунча “очкўзлик” ва “тўймаслик” маънолари билан изоҳланади ва унинг маънавий таназзулга етаклаш хусусияти қайд этилади. Очкўзликни ифода этувчи қозоқ мақолларида ортиқча моддий истаклар ва маънавий қадриятлар ўртасидаги зиддиятлар ёритилади [13, б. 32].

Натижа. Сахийлик концепти ҳар икки маданиятда ижобий фазилат бўлса-да, лекин уларнинг қўшимча коннотациялари турлича бўлиб келади. Рус маданиятида сахийлик қалбнинг кенглиги, моддий ва маънавий бойлик билан боғланган ҳолда тасвирланади ва у олийжаноблик, ёрдам беришга тайёрлик каби хислатларни ўзида мужассам этади. Қозоқ маданиятида эса сахийлик маънавий бойлик ва ишончлиликни англатади, унинг миллатнинг маънавий қадриятлари билан чамбарчас боғланганлиги аниқланади. Қозоқ мақолларида шахснинг маънавий бойлиги ва ижтимоий вазифаларини бажаришга бўлган тайёрлиги алоҳида ёритилади [13, б. 32].

М.Г. Церцвадзе очкўзликни ифода этувчи рус ва қозоқ мақолларида бу иллатнинг салбий оқибатларини ҳам очиб беради. Масалан, рус тилидаги “Жадность – всякому горю начало” каби мақолларда жаддият иллоти инсоннинг маънавий ва ижтимоий таназзулига сабаб бўлиши таъкидланади. Қозоқ мақолларида ҳам очкўзлик пасткашлик ва маънавий етишмовчилик рамзидир. Шу тариқа, ҳар икки маданиятда жаддият шахсни ёмон йўлга етакловчи иллат сифатида талқин этилади [13, б. 33].

Англашимиз мумкинки, М.Г. Церцвадзе рус ва қозоқ паремияларида очкўзлик ва сахийлик тушунчаларининг ижтимоий ва маънавий қийматини таҳлил қилиб, уларнинг маданий қадриятлар билан боғлиқлиги ва шахс хулқ-атворида таъсирини очиб беради. Очкўзлик маънавий инқироз ва моддий очкўзлик сифатида қабул қилинса, сахийлик ички бойлик, олийжаноблик ва ижтимоий фаровонлик манбаи деб изоҳланади.

В.С. Ильясовнинг мақоласида араб тилидаги “Овқатланиш” семантик майдони орқали меҳмондўстлик ва сахийлик концептларининг ифодаси таҳлил қилинган. Тадқиқотчи ёзишча, араб маданиятида озиқ-овқат билан боғлиқ фразеологизмлар нафақат тановул жараёнини, балки ижтимоий муносабатлар ва ахлоқий қадриятларни ҳам акс эттиради. Араб маданиятида меҳмондўстлик ва сахийлик юксак қадриятлар ҳисобланиб, бу қадриятлар маданиятнинг асосий ахлоқий тамойилларини ташкил қилади. Масалан, “Икки меҳмон учун икки қўй сўйиш” ибораси мезбоннинг сарф-харажатларга қарамай, сахийлик кўрсатишга тайёрлигини билдириб, унинг ҳаддан ташқари сахийлигини таърифлайди [8, б. 162].

Шу билан бирга, араб тилидаги фразеологизмлар меҳмондўстликнинг муайян меъёрий қоидалар билан боғланганлигини ҳам билдиради. Масалан, “Олдингиздаги таомни енг” ибораси меҳмоннинг мавжуд таомлар билан чекланишини ва мезбонга нисбатан ҳурматни кўрсатиш зарурлигини англатади [8, б. 163].

Шундай қилиб, В.С. Ильясовнинг тадқиқотида кўра, араб тилидаги “Овқатланиш” семантик майдони меҳмондўстлик ва сахийликни нафақат моддий, балки маънавий қадриятлар сифатида қабул қилишни ифодалайди. Араб маданиятида тийиқлик ва эҳтиром каби ижтимоий қадриятлар меҳмондўстлик орқали намоён бўлиб, маданиятнинг асосий ахлоқий қоидаларини акс эттиради.

Д.В. Долгованинг мақоласида рус ва хитой маданиятидаги сахийлик, меҳр-шафқат ва меҳмондўстлик тушунчаларининг ўзига хослиги очиб берилган. Жумладан, рус маданиятида сахийлик кенг қалб ва ҳиссий очиқликни ифода этувчи бир қанча фразеологик бирликлар орқали тасвирланади. Бунга қўшимча равишда, хитой маданиятида сахийлик қадрияти улуғворлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик билан изоҳланиб, меҳмондўстлик муқаддас маъно касб этган. Шу билан бирга, меҳмондўстликнинг ўзига хос қоидалари ва тартиблари ҳар икки маданиятда муҳим аҳамиятга эгадир [5, б. 56-58].

Тилшунос-олима меҳмондўстликка оид фразеологик бирликлар ҳар икки маданиятда ҳам ўз маънавий ва маданий аҳамиятини намоён этувчи восита эканлигини эътироф этади. Рус маданиятида меҳмондўстлик ўзаро ҳурмат ва сахийлик рамзи сифатида қабул қилиниб, меҳмонни қабул қилиш мезбоннинг муҳим ижтимоий бурчи сифатида қаралса, хитой маданиятида меҳмондўстлик қатъий қоидаларга амал қилишни талаб қилади, ва бу миллий ғурурнинг ифодаси деб тасвирланади [5, б. 58].

Шундай қилиб, Д.В. Долгова рус ва хитой маданиятидаги сахийлик ва меҳмондўстлик концептларининг маданий аҳамиятини, уларнинг миллий маданият ва ижтимоий қоидаларга мос тарзда намоён этилишини ёритган.

Ж. Багана ва Я.А. Глебованинг тадқиқотида Африка маданиятидаги сахийлик ва улуғворлик каби қадриятларни ифода этувчи паремияларнинг лингвомаданий таҳлили ўтказилган, хусусан, Африка мақолларида маҳаллий табиат образлари орқали сахийликнинг ижтимоий ва ахлоқий нормалар билан боғланганлигини кўрсатилган. Масалан, “Инсон – дарахтдек, ҳар бир одам унинг соясидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга” каби мақол сахийликни ижтимоий бурч ва ресурсларни тақсимлашга тайёрлик сифатида тасвирлайди [1, б. 10].

Муаллифлар қайд этадики, бундай мақоллар орқали сахийлик Африканинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ва кўплаб кадрланувчи маданий фазилатларидан бири сифатида қаралади. Бу маънода Африка жамиятида коллективизмнинг ўрни муҳим бўлиб, сахийлик эса шахснинг улуғворлиги ва маънавий камолга етиши воситаси сифатида намоён этилади [1, б. 11].

Хулоса. Шу тарзда, Ж. Багана ва Я.А. Глебованинг тадқиқоти Африка паремияларида сахийликнинг кенг маъноли ижтимоий ҳамда маданий қадрият сифатидаги ўрнини очиб беради. Улар, шунингдек, африка халқлари маданиятида сахийликни бошқаларга ёрдам бериш ва жамоавий манфаатларни ўртага қўйиш фазилати сифатида таърифлайдилар.

Шундай қилиб, замонавий тилшуносликда рус, инглиз, литва, араб, хитой, француз ва қозоқ каби маданиятларда сахийлик концептининг ўзига хос маданий ва маънавий аҳамияти воқеланади. Паремиологлар томонидан сахийлик кенг қалблилик, олийжаноблик, меҳмондўстлик каби фазилатлар билан боғланиб, ижтимоий муносабатларда ижобий қадрият сифатида тасвирланган, бахиллик эса моддий

манфаатга қарамлик ва ахлоқий таназзул билан боғланган салбий тушунча сифатида изоҳланган. Мазкур тадқиқотлар турли маданиятларда сахийликка бериладиган ижтимоий баҳо ва унинг миллий тасаввурлардаги қийматини ўрганишга асос бўла олади.

Adabiyotlar/Literatura/References:

1. Багана Ж., Глебова Я.А. Воплощение концепта «générosité» (благородство, щедрость) в африканских пословицах. – Липецк, 2022.
2. Байрамова Л.К., Юнусова Р.Д. Человек гостеприимный: ценности и модели поведения. Ученые записки Казанского университета, 2008, pp. 90-96.
3. Голембовская Н.Г. Лингвокультурные антиномии в русских и литовских паремиях: дис. ... канд. филол. наук. Волгоград, 2014. — 20 с.
4. Губенко А.С. Структурно-семантические особенности фразеологических и паремийных единиц // Вестник студенческого общества. – 2022. – С. 218-222.
5. Долгова Д.В. Фразеологизмы о щедрости, доброте и гостеприимстве в русском и китайском языках // Сборник статей. – Стерлитамак, 2024. – С. 55.
6. Жилкубаева Амантай Шаймардановна. Когнитивное пространство концепта «гостеприимство» в тюркских языках. Мир Большого Алтая, 2016.
7. Захарова Т.В. Сравнительно-сопоставительное лингвокультурологическое исследование концепта «гостеприимство»: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2011. 23 с.
8. Ильясов В.С. Семантика членов арабского фразеологического поля «Питание» в концептуальном аспекте. Журналистика, vol. 17, no. 2, 2017.
9. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.
10. Карачина О.Е. Отражение экономического сознания русских и англичан в концептах жадность и щедрость // Вестник Пятигорского государственного лингвистического университета. – 2014. – № 1. – С. 82-86.
11. Сафина Р.А. Фразеологические единицы, выражающие материально-денежные отношения, в немецком и русском языках : дис. ... канд. филол. наук. Казань, 2002. – 263 с.
12. Турбина О.А., Захарова Т.В. Отражение социальной значимости гостеприимства в русских паремиях // Вестник Южно-Уральского государственного университета. – 2008. – № 16. – С. 46-53.
13. Церцвадзе М.Г. Выражение когнитивной оппозиции паремиях концептов жадность и щедрость в русской и казахской // Евразийский союз ученых. – 2017. – № 12-3(45). – С. 31-33.
14. Юнусова Р.Д. Фразеологизмы о гостеприимстве в русском и татарском языках Вестник Вятского государственного университета, 2010, pp. 47-50.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

№ 12 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari” elektron jurnali
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli
guvohnoma bilan davlat ro‘yxatiga olingan.
Muassis: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
mas’uliyati cheklangan jamiyati

Tahririyat manzili:
100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog‘och ko‘chasi, 70/10-uy. Elektron manzil:
scienceproblems.uz@gmail.com
Bog‘lanish uchun telefonlar:
(99) 602-09-84 (telegram).